



# **Халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг қирқ учунчи сессияси бўлиб ўтди.**



Жорий йилнинг 13-май куни Халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг қирқ учунчи сессияси бўлиб ўтди. Ушбу бўлиб ўтган сессияда вилоят, ҳамда туман Кенгаши депутатлари, алоқадор Бошқарма, корхона ва ташкилот раҳбарлари


иштирок этди. Сессия ишида туман ҳоқими Б.Турсунов “2022-йил давомида соғликни сақлаш тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан туман ҳоқимининг ҳисоботи тўғрисида




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли Фармонининг тумандаги ижроси тўғрисида туман Мажбурий ижро бюроси раҳбари З.Раҳимовнинг ҳисоботи тўғрисида;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2013-йил 31-январдаги 22-сонли Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига асосан тумандаги “ШУХ АНД БЕҲА” Агро фирма билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида;.




Узун тумани 2022-йил 1-чорак ижроси ва бюджет даромадлар базасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижадорлиги тўғрисида;



Узун тумани Саховат маҳалласидаги экин ермайдонлари ҳудудидан ўтган, узок йиллардан буён фойдаланилмай келинаётган, яроқсиз қувурларни демонтаж қилиш эвазига тумандаги аҳоли истеъмолчиларини ичимлик суви билан таъминлаш (полиэтилин қувур тортиш) тўғрисида ҳисобот ва ахборотлари тингланиб, туман Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.







**Узун туман ҳоқимлиги**  
**ахборот хизмати**